

УСМОН БЕК

# БЎСАҒАДАГИ НУР

*ШЕЪРЛАР*



ТОШКЕНТ «УҚИТУВЧИ» 1998

Тўпламдаги шеърларда она-Ватанга меҳр-муҳаббат, табиат гўзаллигидан завқланиш, истиқлол ғурури. Узбекистондан ўлкада туғилиб-ўсиб, шундай заминда яшаётганликдан Оллоҳга шукроналик ифодаланади. Шеърларнинг аксарияти севги-муҳаббат мавзусида. Уларда ёрнинг гўзаллиги, висол орзуси ва ҳижрон дарди куйланади.

Б 47000000 — 100  
353(04) — 98 Ахб. хати — 98

ISBN 5-645-03381-7

© «Ўқитувчи» нашриёти, 1998

## РОСТ СЎЗНИНГ НУРИ

Шеър — кўнгил гавҳаридан кўнгилларга та-  
ралгувчи нур.

Шеър — кўнгилларда нурдан гул дасталагув-  
чи беминнат боғбон. Зеро, шеър ҳавас ва ҳайрат-  
нинг кўз очгувчи куртагики, у фақат кўнгилда  
япроқ ёзади. Яхши шеър кулиб чиқаётган қуёш-  
га ўхшайди.

Мен Усмон Бекни адабиёт остонасида, шеъ-  
рият гулшани бўсағасида бир даста нур кўтариб  
турган ошиққа қиёс қилгим келди. Зотан, ёниб  
турган ошиқ ёндиргувчи ҳамдир. Дирида оҳи бор  
шоирнинг сатридан дард саҷраб туради:

Тўкарга мижжада ёш,  
Тил оҳи йўққа қийин.  
Усмон, сенинг Худонг бор,  
Оллоҳи йўққа қийин!..

Рост сўзнинг насими қоғоздан ҳам эсиб туар-  
кан:

Лола, қандай тилга яқинсан,  
Ростдек сулув, ҳаёдек жимсан,  
Сен — яшил минбарга қизариб  
Кўтарилган камтар халқимсан.

Шеър ҳақида кўп гапириш болнинг боллиги-  
ни таъкидлайверишдек бир гап. Биз болдан то-  
тамиз-у, болари ҳақида кам ўйлаймиз. Шу кичик  
жонзотни Худойим фақат бандаси учун гуллар  
лабидан бол йиғиб қўйгувчи этиб яратганига ий-  
мон келтириш ёдимиэга келмайди.

Ҳар неки каромат яратганинг ўзидан. Шоир  
ҳам Худойим назар қилган инсон. Қаломдан мақ-

сад — Усмон ҳали олийгоҳлар остонасини босмаган. Туман рўзномаси қошидаги адабиёт тўгариғида ўзлигини ахтараётган шоир. Шубҳасиз, икки оғиз сўз Усмон Бек камол топган гулшан ҳақида.

Ўзбекистон аталмиш жаиннатмакон диёр ҳаритасида Паркент номи билан яралган бўстон бор. У етти кентдан ташкил топган. Ана шу кентларнинг бири — Чотқол тоғлари этагига гулдан дастурхон ёзиб тургувчи маскан Усмоннинг киндик қони тўкилган Чанги қишлоғи деб аталади. Бугунги ўзбек адабиёти чаманзорига кириб келаётган бир қатор паркентлик ижодкорлар борлигини биэннинг шарҳимизсиз ҳам зийрак ўқувчилар яхши билишади. Усмон эса уларнинг кенжаси.

Азиз шеърхон! Сиз уни қалбингизга чорланг. Зеро, у ўзининг илк тўпламида бир даста нур тутиб келаяпти. Нурнинг йўли эса ҳамиша хайрли бўлгай.

*Маҳмуд Тоиров*

## ТУРОН

Оҳанги ошуфта гулни элитган  
Булбуллар қўшиғи сўзингдир, Турун,  
Совқотиб талпинсам меҳри илитган  
Ўйчан онам кўзи кўзингдир, Турун.

Яссавий сени деб чекди фарёдлар,  
Бу оҳ жаҳонгирга берди қанотлар.  
Мирзо Улуғбекдан қолган зурёдлар—  
Юлдузлар ўғлону қизингдир, Турун.

Бошингга «қатлиом» келди тиф қайраб,  
Келди... саботингдан қолди тил чайнаб.  
Фарзандларинг дорда кулдилар яйраб,  
Чўлпонлар... шилинган юзингдир, Турун.

Билмадики ёғий, сабот бу қондан  
Мерос ўтганлигин Гўрӯғлихондан.  
Халққа азиз қилган ерингни жондаи,  
Қадоқ кафтинг берган тузингдир, Турун.

Мени улғайтирди бир яшил диёр.  
Олиҳимматлигин тасвирлаш душвор.  
Ҳатто тошларида жозибаси бор,  
Ўша Ватан ўзинг, ўзингдир Турун!

## ОНА-ВАТАНИМ

Сендеқ буюк йўқ,  
Сендеқ суюк йўқ.  
Меҳрибон — мушфиқ,  
Бағри куйик йўқ...  
Она-Ватаним, Она-Ватаним,  
Тенгсан кўксимда жона Ватаним!

Кўркингга тўймай,  
Кўзим толади,  
Ким сени мендек  
Суя олади?!  
Она-Ватаним, Она-Ватаним,  
Юлдузлар сендан шона Ватаним.

Акбару Воҳид,  
Яратган шоҳид.  
Насиб этса гар,  
Умрим етса гар  
Буркайман сени —  
Шона Ватаним,  
Она-Ватаним, Она-Ватаним!

## ЮРТ СЕҲРИ

Мен Чотқол кўксида яралган куйман,  
Шудрингларга кўнглим чайиб улғайдим.  
Жўшқинлик тиландим шалолалардан,  
Харсангларга исмим ўйиб улғайдим.

Майин баргларини силаб андизни,  
Кузатдим меҳрини — ерга илдизни.  
Ялпиз терганлардан асраб, ялпизни —  
Ариқчага тўшак ёйиб улғайдим.

Илк бойчечак кулса, қорни силжитиб,  
Узмадим, қўймасчун қирни ранжитиб.  
Жала лола баргин кетса тўзғитиб,  
Поясиға лабим қўйиб улғайдим.

Овлоқ далаларда ўчмаган изим,  
Ўтсам, ёшлигингман, деб жилмаяр ним,  
Эртакданмас, тоғдан — ҳув тизим-тизим,  
Чинакам юрт сеҳрин туйиб улғайдим!

## ҚАНОАТ

Ешингга ёш қўшсин Оллоҳ,  
Ешингдан ёш олмасин.  
Меҳмон кутсанг, меҳмон қўйган  
Ошингдан тош олмасин.

Ҳимматли бўл, ҳиммат аҳли  
Ҳиэр қўлин тутгайдир.  
Бахил қўлин девона ҳам  
Ҳассасида туртгайдир.

Ғаниматдир ота-онанг,  
Нозик кўнглин чўктирма,  
Болангдан гар иззат кутсанг,  
Улардан юз ўгирма!

Ёмғирдан қочсанг, тақдир  
Тутилтирар қорига.  
Сен — бандасан, шукр қилиб  
Яшайвергин борига...

## АЗИЗ КАЛОМ

Ҳақ фарзин адо этсанг, фаришта дўстинг бўлур,  
Изласанг бас, ҳар одим, қаричда дўстинг бўлур,  
Ҳақ йўлига кирмасанг, ҳар ишда кўстинг бўлур.  
Дилингдан адашсанг ҳам, динингдан адашмагин.

Тоғ билиб суянсалар, ортингга юриб кетма,  
Дарё билса сокин оқ, соҳилинг ювиб кетма,  
Ташналар кўза солса, ҳовуздек қуриб кетма,  
Нокаснинг узугига кўз бўлиб ярашмагин. .

Лозим жойда сўзлагин, обрўнг оҳорин сақла,  
Кунингга яраб қолар, умринг баҳорин сақла,  
Йўлингда сарғайганга меҳмонлик оринг сақла,  
Тўрга муносиб туриб, пойгакни талашмагин,

Киндик қонинг тўкилган шу тупроқ Ватанингдири,  
Томири томрингдир, бадани баданингдир,  
Ўйи ўйингдир, Усмон, айтгани айтганингдир,  
Шу азиз каломингни ҳеч нега алмашмагин.

## ИЛТИМОС

Зиммамда бир зил иш бор,  
Зўр шеърлар ёзмоқчиман.  
Шу кунларда силжиш бор,  
Зўр шеърлар ёзмоқчиман.

Дўстим тўйга тортади,  
Йўқ дейми, бош қотади.  
Тажанглигим ортади:  
Зўр шеърлар ёзмоқчиман.

Онам келин тусайди,  
Дер: «қувватим сусайди».  
Рост, хархашам узайди —  
Зўр шеърлар ёз—моқ—чиман...

Ҳамма бир ён — дил бир ён,  
Ҳамма сокин — дил гирён.  
Жон юрагим, кел, бу ён —  
Зўр шеърлар ёзмоқчиман!

## МЕРОС

Ёниб кетди тандир ёноғи,  
Не сўз айтиб эдинг аланга?  
Кулчалар чидолмай тўкилди —  
Занжирдек исёнкор танангдан.

Сиғмадинг юмaloқ муҳитга,  
Чиқдинг, тилинг кесди ташқари.  
Мерос қолди қисқа умрингдан —  
Шоирларга ёниш машқлари.

## БАҲОР

Лолалар барг ёзар, келади баҳор,  
Умидвор майсалар бўй чўзар кўкка.  
Ёмғир сувларидан тўйинган анҳор  
Мавжлари айланмиш тоза тилакка.

Олислаб, зангори кўкни қучяпти,  
Болалар адирдан учирган варрак.  
Қишининг хотироти дилдан ўчяпти,  
Баҳор завқларини қаршилар юрак,

Адирлар бурканиб, бошдан-оёғи,  
Ям-яшил, анвойи гулзорга.  
Маст булбуллар шодон сайроғи  
Сано айтәётгандек баҳорга.

## ҚУЗИҚОРИН

Чақмоқ тиниб, булут тўккач ерга зорин,  
Пайдо бўлди оқ қалпоқли қўзиқорин.  
Разм солиб майса янги ҳамсояга,  
Эҳтиёт шарт ҳозирланди ҳимояга.  
Кекса арча кузатаркан, усти бошин,  
Меҳмончага бир учирив қўйди қошин.  
Дабдурустдан нур тушди-ю қалпоғига,  
Қўзиқорин аланглади тўрт ёғига.  
Топди ёғду сепаётган кўк сарҳадни —  
Ёриштириб, кулаётган ҳалқа қадни.  
Лол турганди юксакдаги кўк сарҳадга,  
Билмай қолди тушганини толсаватга...

## ЛОЛА

Лола, қандай дилга яқинсан,  
Сен руҳимда чаққан чақинсан.  
Мұхіблару мұхібаларни  
Күлларида ишқа талқинсан.

Лола, қандай тилга яқинсан,  
Ростдек сулув, ҳаёдек жимсан.  
Сен — яшил минбарга қизариб  
Күтариlgан камтар халқимсан!

## ҚҮНГЛИМНИНГ ЭРКАСИ

Қўнглимнинг шохларига тегмагин, меваси йўқ,  
Қўнглимнинг боғларига кирмагин, эгаси йўқ.  
Менинг кўнглимга кирсанг — мусофиридек  
куйгайсан,  
Мусофирга тушнукли кўнглимнинг шеваси йўқ.  
Менинг кўнглим томмаган,  
Сиёҳнинг худди ўзи,  
Кўкламда уйғонмаган  
Гиёҳнинг худди ўзи.  
Ўзи ёққан гулханга —  
Ўзини тутди ўзи,  
Бекам деб бошлагани кўнглимнинг бекаси йўқ...  
Хайриҳоҳ бўлмоқ эсанг, елкамга елкангни қўй.  
Қўй, ўзга тарафларга елгучи елканни қўй!  
Ўз ерим тупроғига,  
Ризқу рўз эккани қўй,  
Ўзбекистоннинг менга четию чеккаси йўқ,  
Ўзбекистондан бўлак кўнглимнинг эркаси йўқ!

•

## ИФТИХОР

Ким куяди, иситмадан  
Узун тун алаҳлаб чиқсан?  
Ким кулади, субҳидамда  
Офтобдек чараклаб чиқсан?

Ким елкамга қамчи тегса,  
Товоңлари зирқираган?..  
Дилозорга бало тилаб,  
Яратганга чирқираган?

Ким мен ухлаб, ором олган  
Нохуш тушим хушга йўйган?  
Кеч қайтсан-да насибамни  
Рўмолига туғиб қўйган.

Ким, онажон, сиздек мени,  
Телбалигим кечиради?  
Үйларимнинг адоги йўқ —  
Тонг отади, кеч киради...

Лойиқмидим жонингизнинг  
Жон-жонида яшамоққа...  
Эсим кириб, юрагимда  
Бир ифтихор яшамоқда.

Менинг онам — шундай буюк,  
Саботин тоғ йиқолмайди.  
Камтарлигин ҳатто тупроқ  
Уддасидан чиқолмайди!

## **РАББАНО**

**Мазлум әлга ҳадя этдинг ҳур замона, раббано,  
Шуҳратин қушдек учирдинг, тўрт томона  
раббано.**

**Байрам аҳли орасида кўксима тўлди фахр,  
Олқишиятар сенга боқсам — қайси ёна раббано.**

**Иўқ ҳавотир осуда тун, гулдек гулгун чеҳралар,  
Бизга меҳринг тўkkанингдан — бу нишона  
раббано.**

**Сендан Усмон сўрди бу кун чин юракдан истагини  
Кўрмасин энди маломат шу кошона, раббано.**

## ВАТАН

Жон олгани келган Аэроил каби  
Қизғалдоқнинг баргин тўкиб кетди дўл...  
Аламдан булбулнинг гезарди лаби—  
Капалак мотамга тўн кийди йўл-йўл.

Бошпанаси вайрон бўлган болари  
Синган қанотчасин силкита олмас.  
Майса елкасида дўлнинг бўлаги,  
Бу юкни бечора силжита олмас.

Дўлнинг қилмишини эшитиб қуёш  
Булутлар пардасин минг пора этди.  
Нурли пайконидан оқ офат зриб —  
Тутуни фалакка буғланиб кетди.

Қайтадан табиат жонланди, бироқ  
Юм-юм йиғлар эди болари шўрлик.  
Унга Ватан эди — лолақизғалдоқ,  
Ватансиз қолмоқдан борми зўр хўрлик?..

## ҚУЗ

Барг тизгини шамол қўлида,  
Истаган тарафга буради.  
Кўзларимга илиб қўйди боғ —  
Фотиҳ ва мутенинг сувратин.

Сувларнинг қўйнига қўл солдим,  
Бир совуқ музлатди танимни.  
Сувжон, айт, ёлвордим, айтмади —  
Совуқчилик солган ғанимни...

## СЕНИ КЕЧИРИШСА

Сени кечиришса қандай соз,  
Руҳинг кўтариilar елкандек.  
Гангийсан бир лаҳза — марҳума  
Волиданг тирилиб келгандек...

Сени кечиришса қандай соз,  
Фароғат — гумондан фориғлик.  
Кечирим ортидан юракка,  
Хапқириб киради ёруғлик.

Сени кечиришса қандай соз,  
Демак дунёда энг баҳтлисан,  
Мен қайта туғилдим, деявер,  
Ҳақлисан, минг карра ҳақлисан!

## БОЙЧЕЧАҚ

Офтобни орқа қилиб,  
Жилмаяди бойчечак.  
Қирни томорқа қилиб,  
Улғаяди бойчечак.

Етти кунлик умрида,  
Етти кеч дилдирайди.  
Енида лак-лак ёғий  
Совути йилтирайди.

Етти субҳи ёруғлик —  
Қуёшнинг сұхбатида.  
Ва қатл қилинади —  
Исёнчи сифатида...

## **ХОТИРА**

Аёл бешик тебратиб толар,  
Атиргулдек навниҳол аёл.  
Хотиралар калавасини,  
Қайта-қайта йигирап хаёл.

Аёл бешик тебратиб толар,  
Мунг — кўзларин ҳикоясида.  
Мазали бир хўрсиниқ келар,  
Ўйларининг ниҳоясида.

Аёл бешик тебратиб толар,  
Тин олганда, ойдин гузарлар.  
Қизлигини ёнига солар —  
Ойга тошған ҳуснбузарлар...

## СЮНЧИ

Куртак жажжи муштчаси бодом,  
Унга ниманидир яширган.  
Қизиқсиниб ўтади жилға —  
Муз увоқларини таширкан.

Фасл ечинади уялмай,  
Ҳамманинг олдида ошкора.  
Тарновнинг ғалати йиғиси,  
Кучайиб бормоқда тобора.

Ҳей, бойчечак, ҳей турна, эшит,  
Баҳорни мен қишдаёқ кўрдим.  
Омад сизга кулмади бу гал,  
Суюнчи олмоққа улгурдим.

## ШУКРОНА

Қимнидир баҳтли этмоқ —  
Мен — шоирнинг вазифам.  
Шуни адо этолсам —  
Ўзилади насибам...

Тангрим беҳад меҳрибон,  
Бандалари ғамида.  
Бирорга баҳт бермоққа,  
Юз йил керак камидар..

## **ИЛТИЖО**

Соф табассум туғилмас лабда,  
Туғилиши анча мураккаб.  
Бунинг учун мұжими қалдан,  
Туғилиши керак мүрғак қалб.

Соф табассум мұмәдек асил,  
Қыздек күхлик, қимиздек хуштаъм.  
У опичиб олиб инсонни,  
Уча олар юксакроқ қушдан.

Соф табассум гүёки дазмол,  
Оширмай бош чиқимларини  
Йўл-йўлакай текислаб ўтар  
Пешонанинг ғижимларини...

Соф табассум, о, илоҳий сас,  
Қанотин еч тутқун қумримни.  
Эвазига ҳадя этаман —  
Бор умримни, бутун умримни!

## ДИЛСУЗ

Юртим, вазминлигинг тоғларингда жо,  
Серҳаракатлигинг — дарёларингда.

Ҳамиша сўраган тилагинг бажо,  
Пирлар камарбаста дуоларингда.

Боди саболаринг ўзи бир қўшиқ,  
Тинглаган зот борки шайдо бўлади.  
Дилтортар бу қўшиқ юз минглаб бешик  
Тебранишларидан пайдо бўлади.

Келганда кўкламни кўзлари яшнаб,  
Боғинг-у, саҳройинг бирдек анвойи.  
Шундай жаннатмакон тупроғин ташлаб,  
Кета олар экан қайси анойи?!

Юртим, хотиржам бўл, мендан ҳар доим,  
Умрим битганда ҳам боқмагин тушкун.  
Сендан буткул олмас мени Худойим —  
Қўйнингдан тўкилсам, қўнжингга тушгум.

## АЛВИДО

Суратингга боқсам бағрим эзилади,  
Ҳали ўзинг қаддингни роз тутмай туриб...  
Кипригимга шудринглар тизилади,  
Лабларингдан сутнинг ҳиди кетмай туриб  
Бир йил яшаб нимани ҳам кўрдинг, укам?

Еш жонингга мушт ўқталиб қаттол ўлим,  
Кўзинг очиб жовдирадинг, йиғладингми?!  
Сўнг музлади манглайнингга теккан қўлим,  
Тоғлар сиққан дунёга сен сиғмадингми?!  
Бир йил яшаб нимани ҳам кўрдинг, укам?!

Ун беш йилда кулган онанг бахти эдинг,  
Шўрликкина қароғида нам қолмади.  
Чўкди, отанг билагида шахти эдинг,  
Бўйнингдаги мунчоғинг ҳам асролмади.  
Бир йил яшаб нимани ҳам кўрдинг, укам?..

Суратингга боқсам, кўксим зирқирайди,  
Ортгинангдан тол бешигинг ўқинтириб,  
Тушларимда киприкларинг пирпирайди,  
Акагинанг гўдакларга юқинтириб —  
Қучоғига талпиниб жон бердинг, укам,  
Бир йил яшаб нимани ҳам кўрдинг укам?..

## ШЕЪР

(ШУҲРАТ ТОҲИРга)

Шом. Бедор шўнгийман хаёл баҳрига,  
Мириқиб тин олар хорғин кимсалар.  
Кўққис тушган қулдек Макка шаҳрига,  
Кўнглимда аланглар юпун мисралар.

Кийим харид қилиб хотиротимдан,  
Бир-бир бутлаб чиққач барини эгнин;  
Эркин нафас олиб — таъминотимдан,  
Тузатиб чиқаман ёқаю енгин.

Шарбат ичирман юрак қонимдан,  
Саёҳат чоғида қақраса ёмон.  
Мадор кўчираман қазиб жонимдан,  
Уткинчилар туртиб ағнаса — тамом...

Шу кўйи тонг отар, қайтадан ёзиб,  
Киприкда сайқаллаб саф-саф бандимни;  
Ноширга элтаман, бағримга босиб,  
Үйқуга бермаган жигарбандими!

## ҚОРА БУЛУТГА

Камзулинг мотамсаро,  
Рўй берди не можаро?  
Ярашмас бу туришинг,  
Инғла-инғла, булутжон.

Еш тўкилса доғ кетар,  
Ўқинчу титроқ кетар.  
Ўрнида япроқ битар,  
Инғла-инғла, булутжон.

Боқ, ташна адирларга,  
Соясиҳ қабрларга,  
Саҳройи кабирларга,  
Инғла-инғла, булутжон.

Қуримоқда бир баҳр,  
Туздан инграб дарқаҳр,  
Бўлар қиёмат ахир!!!  
Инғла-инғла, булутжон.

## МИЛЛАТИМ

Ўз тили, ўз қўшиғи,  
Қомуси бор миллатим.  
Ўз белбоғи, ўз тўни,  
Номуси бор миллатим.

Шунчалар ҳароратли  
Тупроғинг сўзга сиғмас.  
Оловнинг ҳам қучоғи  
Унинг каби иссиғмас.

Бахтиёрсан, миллатим,  
Қувон, тўй қил, тўйлагин.  
Сенга теккан осмоннинг  
Энг мусафро бўлаги.

Пахтанг — оппоқ виждонинг,  
Донинг — чеҳранг мисли ол.  
Озодсан, «чу» де отинг,  
Жиловингда истиқбол.

Дилимдан тўкилгани —  
Айёмингга тортиғим.  
Чўксам мен чўқай, юксал,  
Эй, жонимдан ортиғим!

## БЎСАҒАДАГИ НУР

Бўсағадаги нур  
Кун бўйи ётди.  
Очилмади эшик,  
Кун эса ботди.

Қаловланганча  
Қайтди нур ортга.  
Етолмади эҳ,  
Аттанг..., муродга...

## САРАТОН

Очди буғдой сахий кафтини,  
Кишишларга ҳол болалади.  
Қўз-кўз қилар ўзин саватда,  
Ёз момонинг бол болалари.

Равоқлари мовий айвонда  
Қуёш ёзни ўтирад кўриб.  
Йўл қарайди, қорайиб қишини  
Тамакига юборган мўри.

## БИРОВДАН КУЛМА

Узингдан кул кулсанг,  
Бирордан кулма,  
Куэдан кулма,  
Қирордан кулма.

Аввал кулиб  
Бирор дардига,  
Куэ дардига, қирор дардига,  
Сүнг юмшаса ироданг, кулма...

## ҚУТЛУҒ КЕЛГАЙ

Қадамжолар бўшамади зиёратдан,  
Иймон сабоқ олди оташ ҳароратдан,  
Ситоралар дарак берди ҳаловатдан,  
Иншооллоҳ, Темур йили қутлуғ келгай.

Раҳнамолар истиқболга юришдалар,  
Эътиқод бу кўнгилларни саришталар,  
Хос имомда саноғи йўқ фаришталар,  
Иншооллоҳ, Темур йили қутлуғ келгай.

Руҳи уйғоқ миллатданмиз, гумроҳмасмиз,  
Нафси бузуқ нокасларга ҳамроҳмасмиз,  
«Аллоҳ биру, Расул барҳақ, паноҳдамиз»,  
Иншооллоҳ, Темур йили қутлуғ келгай.

Ватан кўрки Темур қурган иморатдур,  
Минорлари Байтүллоҳга ишоратдур,  
Бу тупроқда эзгу ният ижобатдур,  
Иншооллоҳ, Темур йили қутлуғ келгай!

\* \* \*

Шитобли дунёдан караҳтлар кетди,  
Мевасин қолдирниб, дараҳтлар кетди,  
Онгимда бир фикр ярақлаб кетди,  
Менинг ҳам навбатим келиб қолди-ёв...

Юз йил умр гаштин сурғанлар кетди,  
Мўйловлари сабза урганлар кетди,  
Кечагина отдек юрганлар кетди,  
Менинг ҳам навбатим келиб қолди-ёв...

Бирор шошиб келиб — ҳаяллаб кетди,  
Бева — эрлаб... Бўйдоқ — аёллаб... кетди,  
Пишиқлар аввал гўр тайёрлаб кетди,  
Менинг ҳам навбатим келиб қолди-ёв...

Аё, мусулмонлар — ғофил қолмангиз,  
Сизга тўймай боқсам, оғир олмангиз.  
Қошимдан кетишга улгуролмангиз,  
Менинг ҳам навбатим келиб қолди-ёв...

## ВИДО

(Шоир Шавкат Раҳмон хотирасига)

Оғир эди, хўшлашиш,  
Қўзимни юмиб олдим.  
Оғажон, дардингиага —  
Юзимни ювиб олдим...

...Тиловат поёнида,  
Тиззам қалтираб турди.  
Толдим, гўё елкамга —  
Осмон чордана қурди.

Шамсиз уйга кетяпсиз...  
Телба фикрга бордим.  
Улмадиму оғажон,  
Сиз билан бирга бордим.

Сиз қолдингиз, мен қайтдим,  
Боисини айтмайман.  
Ўксимангиз оғажон,  
Мен ҳам бир кун қайтмайман!..

## УЗМОҚЛИК ОФИР

Фасоҳат гулшанин кезмоқлик оғир,  
Сўзларни мунчоқдек тизмоқлик оғир.

Оналар кўзида зоҳир ҳасратни —  
Чўнг мусаввирга ҳам чизмоқлик оғир.

Қиссалар ҳавойи, ҳаётда аммо,  
Ёр дея ақлдан озмоқлик оғир.

Бағри куйикларнинг ярасин тирнаб,  
Афгорлар қисматин ёзмоқлик оғир.

Мусоғир юртларда, кишига эй воҳ,  
Совуқ нигоҳларни сеэмоқлик оғир.

Қистанмоқ ножойиз аҳли иймонга,  
Оллоҳнинг фарзини бузмоқлик оғир.

Энг буюк бурчингни унутма, Усмон,  
Ватанинг қарзини узмоқлик оғир.

\* \* \*

Ҳур роҳи йўққа қийин,  
Дилҳоҳи йўққа қийин.  
Босған қадами хатар,  
Пойгоҳи йўққа қийин.

Муслимлар, бу ҳақ! — деган  
Гувоҳи йўққа қийин.  
Бош уриб борар одил  
Додҳоҳи йўққа қийин.

Тўкарга мижжада ёш,  
Тил оҳи йўққа қийин.  
Усмон, сенинг Худонг бор,  
Оллоҳи йўққа қийин!..

## ХИЁНАТ

Юрагим ҳали тетик,  
Ғам-ла муштлашган эдик —  
Пинагини бузмади.

Саботим ҳам жойида,  
Рақибимнинг пойида —  
Титрамади лангардек.

Муштларим очилмади,  
Ешларим сочилмади —  
Руҳим тутди камардек!

Бурним қонағанды ҳам,  
Жоним жўнаганды ҳам —  
Бунча алам қилмасди.

Мағрур турган бошимни  
Этиб қўйди, сочимни —  
Оқ байроқ кўтаргани...

## РАҚИБ

Анойими, довдирми, шумми —  
Рақиб рақиблигига борар.  
Мерови ҳам уйқунгда йўқлаб,  
Утакангни ёриб юборар.

Саводлиси айниқса хавфли,  
Яхши танир оқу қорани,  
Муштдан оғир мисол келтириб,  
Очиқ қилиб кетар орани...

## ШЕЪРИЯТ

Сен туфайли мушарраф бўлдим,  
Ишқ бахтига, севиш бахтига,  
Меҳри уммон санам олдида  
Ошиқ бошим эгиш бахтига.  
Шеърият — ҳам, ошиқ бошимсан,  
Кўзимсан, қаборим, қошимсан.

Сен туфайли осмондан баланд,  
Ердан вазмин, майсадан пастман...  
Чечакларни атридан эмас,  
Мангу тушмас қадридан мастман.  
Гуллар сўлса тўккан ёшимсан,  
Ўз дилимдан теккан тошимсан.

Умид деган бир буюк куч бор,  
Тутиб турар инсонни дунда,  
Андалиблар ортимдан юргай,  
Умидларим ушалган кунда.  
Ул кунларга элтар дошимсан,  
Сарбонимсан, сафардошимсан.

## КЕЛДИ

Истиқлол, изингдан ҳур кунлар келди,  
Онги соғ, либоси дуркунлар келди.  
Истибдод қулфлаган сандиқлар синиб,  
Сандиқда сарғайған туркумлар келди.

Юзага чиқди юқ күттарған әлим,  
Қора кунларинг ҳам ўтаркан, әлим.  
Кўйингда етмиш йил саргардон елиб —  
Бағрингдан узилган сургунлар келди.

Чўлпон осмонини безади яна,  
Усмон ошёнини безади яна,  
Ҳар уйда нафаси эсади яна,  
Фитрат, Сўфизода, Жулқунлар келди.

Соҳилга урилиб қайтиб толмади,  
Танлаган йўлидан асло қолмади.  
Faюр харсанглар ҳам ушлай олмади,  
Тўсиб бўлмайдиган тўлқинлар келди.

Кўнглимга курашчан боболар ёди,  
Безовта тушларим таъбирин солди.  
Фақат бир куч бўлиб, бирлашмоқ қолди,  
Тўқсон олти бўлак бўғинлар келди.

## ИУҚЛОВ

*Ай, Маҳатжон, юрагимни эздинг-ку!..*

*(Муҳаммад Раҳмон)*

Осмон тубсиз, ер ҳам ундан кам эмас,  
Дўстим кўпу сенчалик ҳамдам эмас,  
Сени ютди, бироқ ер хуррам эмас,  
Ер ғамини еганмидинг, Набижон.

Қирда серноз бинафшалар товланди,  
Кўк кийган қиз кўзида ёш сирғанди,  
Кўкрагингда янги фасл уйғонди,  
Бир калом сўз десангмиди, Набижон.

Қўйманг девдим, кўксин эзиб қабр тош,  
Унашмади ўрнатдилар, жабр тош.  
Айтмай кетдинг, ҳув азадор қаҳр қош,  
Тўлган сабр косангмиди, Набижон.

Тирикларни ёқиб кетди жозибанг,  
Қалдириғочлар тақиб кетди хотиранг,  
Фарёд айлар ҳар кун куйиб волиданг —  
«Мени кўмиб ўлсангмиди, Набижон!..»

Жондош дўстим, қалбим қолди ҳувиллаб,  
Томиримда ҳажр сойи увиллаб.  
Учиб ўтди, гала турна чувиллаб,  
Лоақал бир ўтсангмиди, Набижон...

\* \* \*

Далли қалбим, девона қалбим,  
Кин, риёга бегона қалбим.  
Бексан, яша бекона қалбим,  
Чўғда бор пинҳон ғулғула бил,  
Офтобдек самимий кула бил.

Меҳваридан чиқма имоннинг,  
Иннига чўп суқма ёмоннинг,  
Рақсига қизиқма илоннинг  
Тишларинга оғу тўла, бил...  
Ҳамиша сен сергак бўла бил.

Эплай олсанг осмон кўзин арт,  
Ҳар қалб учун бу зарур, бу шарт!  
Ёлғиз тортса тошни ёрат дард,  
Гул дарди — чун гулдек сўла бил,  
Гунг қадри — чун тилдан қола бил!

Эй қаландар, эй дарвеш қалбим,  
Ёлғонга ёт, ростга хеш қалбим.  
Юракларга илак эш қалбим,  
Юпунларни кийинтира бил,  
Офтоб каби суюнтира бил!

\* \* \*

Худони танитди — Худосиз,  
Яхинни ёмондан танидим.  
Бир гиёҳ унмасин дуосиз,  
Ут ўсмас ёбондан танидим.

Онамни танитди — беона,  
Хонамни танитди — девона.  
Эландим, эл бўлмас бегона,  
Ёти имтиҳондан танидим.

Инимни танидим исидан,  
Синглимни танидим — қизидан.  
Түғёндан тандирдек қизисам —  
Иссифимни қондан танидим. ,

Ростни қаддим ростланиб айтдим,  
Елғон айтсан, тисланиб айтдим.  
Ёр рухсоринг излаган пайтим —  
Гули хиромондан танидим.

Қуёшни тонг отмай илғадим,  
Хотиржам донг қотмай илғадим.  
Совуқни совқотмай илғадим,  
Илғамоқни онгдан танидим.

Умрим ўттиз-қирқ ўртасида,  
Ёқмай қолдим уч-тўрттасига.  
Уч-ей, Усмон, туш ўртасига,  
Жаҳаннамни жондан танидим.

## «САРВҚОМАТ ДИЛБАРИМ» ҚИССАСИНИ ҮҚИБ

Турфа тақдирларнинг шоҳиди бўлдим,  
Турфа кимсаларга тутиндим дардош.  
Совуқда қолган — сиз, гўё мен тўндим,  
Илёс оға, сизга тилайман бардош.

Адашган оз эмас умр боғида,  
Билмай адашмоқ ҳам мумкин гоҳида.  
Ўғлинигиз «Амаки» — деган чоғида..  
Илёс оға, сизга тилайман бардош.

Қўш ўт орасига тушса — тош куяр,  
Айтса — тил, йўқса — дил, тўқса ёш куяр.  
Синиқ рўйингизга кекса-ёш куяр,  
Илёс оға, сизга тилайман бардош.

Ошнолигим йўғу, шоир зотина,  
Негадир сўзима йўқдек хотима.  
Ўрнашиб қолгансиз хотиротима,  
Илёс оға, сизга тилайман бардош.

## ИЗХОР

(Д.. га')

Сиз кўнглим кўшкида кулган қамарсиз,  
Мужгонига чашмим илган қамарсиз.  
Не бахт менга насиб қилган қамарсиз,  
Мушк ҳўплаб тўймайман кулгичингиздан.

Сочингиз сепсангиз тун қалқиб кетар,  
Табассум этсангиз кун балқиб кетар.  
Ағёрлар жонимни бир чақиб кетар,  
Мушк ҳўплаб тўймайман кулгичингиздан.

Куртаклар дарс олар ифратингиздан,  
Ваҳ, кимлар қарз олар сұхбатингиздан,  
Елғиз мен мосуво узлатингиздан,  
Мушк ҳўплаб тўймайман кулгичингиздан.

Сиз қадри қаримас атиргулимсиз,  
Хуш атри аримас атиргулимсиз.  
Дунёда бор гулга татир гулимсиз,  
Мушк ҳўплаб тўймайман кулгичингиздан!

## **ҚУМУШБИБИ МАРСИЯСИ**

**Кўнглим сайхонида ниш урган гулим,  
Саодат кўрмайин қишиш урган гулим,  
Умрига қабоҳат тиш урган гулим,  
Ўзинг-ла олакет бебаҳт бегингни...**

**Киприги зулматга тус берган ёрим,  
Кулгисирайёнга ис берган ёрим,  
Ёноғидин офтоб нур терган ёрим,  
Ўзинг-ла олакет караҳт бегингни...**

**Жилмайиб жон бердинг, кафтимини тутиб,  
Балки кўз олдингдан Марғилон ўтиб.  
Келолмади жонинг асрашга етиб,  
Ўзинг-ла олакет бадбаҳт бегингни...**

**Бегинг энди бекмас, қисматин қули,  
Жисмини чулғаган айрилиқ тили,  
Ёнингга ол, кимга даркор ҳосили,  
Илдизи кесилган дараҳт бегингни...**

## МУҲАББАТ

Шудрингдек норасидасиз,  
Жонимнинг орасидасиз.  
Субҳидамда ўпилмаган,  
Атиргул оразидасиз.

Лабингиз лаълида лайли  
Латофатлар шивирлайди.  
Сизни кўрсам танга тушган  
Кўлдек дилим жимиirlайди.

Ҳажрингиз ичмайин тўйдим,  
Ўзимни бепичоқ сўйдим...  
Аламдан гоҳ қучиб ўтни,  
Учоқни ўйлатиб қўйдим.

Само сайлида ғаш тортдим,  
Хаёлот уфқига ботдим.  
Қизғалдоқмас, теринг қирга  
Дилимни парчалаб отдим...

Фасллар бир-бирин келди,  
Баҳорлар бир ширин келди.  
Севардим-ку, нечун сиздан —  
Кўзларим яширгим келди?!

## СЕНИ ДЕБ

Сени бахтсиз деганлар  
Уялиб қолиши-чун.  
Ҳурган итдек тилига  
Суяниб қолиши-чун,  
Мен дунёга келганман,  
Мен дунёга келганман.

Сен жавоб беролмаган,  
Сўзларга жавоб бўлиб.  
Сен учун ҳозирланган  
Сихларга кабоб бўлиб,  
Мен дунёга келганман,  
Мен дунёга келганман.

Гул-гул бўлиб келишин,  
Гул-гул бўлиб кетишин,  
Гулни қадрин билолган  
Булбул бўлиб кетишин  
Одамларга айтгани,  
Одамлар тушунмаса,  
Одамлар тушунмаса,  
Одамлар йўқ тарафга  
Сени олиб кетгани,  
Мен дунёга келганман,  
Мен дунёга келганман.

## УТИНЧ

Сендан айро кунлар — ҳаёт эмасдим,  
Тирилди кўзларим кўзингга тушив.  
Қанотлари музлаб тўнган байтларим,  
Бўғзимдан булбулдек чиқдилар учиб.

Калима айтолмай бийрон тилимни  
Тишлаб тошдек тунни ўтказганим рост.  
Сен томондан келган хабарчи — ойни,  
Сийлаб кипригимга ўтказганим рост.

Ой билан тиллашиб бўлурми нодон,  
Шамоллар чимчилаб кулса этимдан;  
Оғриқни сеzmадим, ахир у кезлар  
Оғриқни оғритган оғриқ эдим-да...

Мана, ёнингдаман, танимга қилдек  
Оғриқ юқишидан хавфсираб ғоят;  
Ҳаётим! Биз энди биргамиз, дегин,  
Айро яшамоқдан бездим, ниҳоят!..

## ҚҮНГИЛ

Д. га

Гарчи тожки кийсам да,  
Хукм сиздан — хонимсиз.  
Давлатим ўз киссамда,  
Сиз — хазинабонимсиз.

Руҳимга ўй кушанда,  
Қалам қақрар қонимсиз...  
Дил тўлғоқقا тушганда —  
Кечирган туғёнимсиз.

Муҳаббат диним эса,  
Қиблам — сиз, иймоним — сиз.  
Кессин тилимни кесса...  
Барқарор паймонимсиз!

Умрим шундай мушкулки,  
Этгувчи осоним — Сиз.  
Юрагим — шахсий мулким,  
Сиз «бор-йўғи» жонимсиз!..

## АРМОН

(Ғайратга)

Дилдан банд тутиб севдим,  
Тилдан қанд тутиб севдим.  
Үзим қон ютиб севдим,  
Севолмадим бўлакча...

Тот сўзга меъмор бўлдим,  
Ёт кўзга девор бўлдим.  
Телбариб бемор бўлдим,  
Севолмадим бўлакча...

Қелсанг Сирдек тошардим,  
Кулсанг нурдек ёшардим.  
Нақ жонимда яшардинг —  
Севолмадим бўлакча.

Тонганинг тақдир дедим,  
Иғлама ахир дедим.  
Шундай кенг бағир эдим,  
Билмадинг-ку кўлмакча...

Осмонимни занг босди,  
Сени хотиранг босди.  
Қалбимдан бир дард ўсди —  
Ўзунилиги — тилакча!...

## ЧОФИР

Йўлиқтириди умр бекати,  
Тўхтаб Суйиб Утиб кетдим мен.  
Тутмадиму, тенгсиз бекани  
Нигоҳимда ўпиб кетдим мен.

Хотирани тиклади чофир,  
Қайтиб ўша бекатга бордим.  
Шамол, бир тош рўмолча қолдир —  
Оловларни ўртаб юбордим...

Келар эди, о, тенгсиз бека,  
Бесаранжом бир гўдак қўлда.  
Қадрим, сени ахтардим, эҳ-ҳа,  
Ётибмидинг тошойна йўлда.

Утган гап шу, бори тўрт жумла —  
Кўнглим кўкка кўплаб юбордим,  
Мен қадрдон тутиндим хум-ла,  
Чофир умрим ҳўплаб юборди...

## ИҚРОР

Ўзим бемор, ўзим табибман,  
Ўзим ағёр, ўзим ҳабибман.  
Ўз жонимни ўзим чақибман...  
Оғриғи ўзимга билинди.

Йилт этди-ю, ўчди муҳаббат,  
Арманларга кўчди муҳаббат.  
Захга бериб тўшни, муҳаббат —  
Оғриғи ўзимга билинди.

Айбситмам ҳеч кимни ҳеч чоғ!  
Англадим гўл эканман нечоғ,  
Уриб кўрдим ўзимга пичоқ,  
Оғриғи ўзимга билинди...

## БУ ФАСЛ

Бу кун ер остидан потраб чиқади,  
Жигарим жигарранг атиргул бўлиб...  
Бефарқ ўтолмайсан, ҳар бир япроғи  
Кўзларинг олади шудрингга тўлиб.

Бир кун ер остидан потраб чиқади,  
Қалбимга мармартош бўлолмайди ғов.  
Бефарқ ўтолмайсан, қонсиз юзингда  
Хижолат ёқади арғувон олов.

Ажабмас ўшанда, эй муз маликам,  
Кўнглинг юм-юмшаса баҳорги қордай,  
Қабримга сифмайин тошиб чиқаман —  
Васлингга бу фасл, ухламоқ ордай...

## ЕР ЎТАДИ

Ғамза билан сувга боқиб,  
Ёр ўтади, ёр ўтади.  
Қўзларидан шуъла ёғиб,  
Ёр ўтади, ёр ўтади.

Сочлари соғинчнинг йўли,  
Қошлари қатлимнинг қўли  
Мафтун этиб ўнгу сўлин,  
Ёр ўтади, ёр ўтади.

Муштоқ эдим, боқмади ёр,  
Шуъласидан тақмади ёр.  
Энди Усмон ўлгунича —  
Ёр ўтади, ёр ўтади.

## БИР КҮХНА ТҮЙФУ БОР

Ким бизни ёшлигин совурди деган,  
Энди қолган умри — ҳовурдир деган.  
Эҳтимол шамолга довурдир, деган,  
Ишонманг сўзига, алдар севинчим,  
Авлиё бўлса ҳам, агар севинчим.

Бир кўхна туйғу бор қаримас асло,  
Вужуддан юракдек аримас асло,  
Ҳамиша биз билан, наrimas асло,  
Шоирлар севги деб атар севинчим,  
Қалбим сизга ёзиқ дафтар севинчим.

Биз кутган, кутмаган хатарлар ўтди,  
Қадарлар қолмади, кадарлар ўтди.  
Юрагим кўшкун хуш ҳабарлар ўпти —  
Турналар албатта қайтар, севинчим,  
Тўйимиизда ёр-ёр айттар, севинчим!

## ТАЗАРРУ

Юрагингга нега қамадинг,  
Нега қўйиб юбормайсан ҳеч?  
Мен адашиб киргандим ахир,  
Маликам кеч, гуноҳимдан кеч..

Уч кун азиэ эмасми меҳмон,  
Мен азиэман уч йилдан бери.  
Бунчалар кенг, бунчалар тоза,  
Мени асраб келётган еринг!

Яшаяпман кам-кўстсиз, аммо  
Нолойиқман иззатга рости...  
Ҳайда мени, соқит бўл мендан,  
Аъмолим ноинсонга хосдир.

Мадад кутсанг ер чизиб турдим,  
Кўл чўэмоқни билмадим-ку эп.  
Нега шодсан, барибир шодсан —  
Битирдим-ку ич-этингни еб...

Юрагингга нега қамадинг,  
Нега қўйиб юбормайсан ҳеч?  
Мен адашиб киргандим ахир,  
Маликам кеч, гуноҳимдан кеч...

## ТУШ

Юрагимни шимариб,  
Сизга етаман дедим.  
Қувса толе ёрлигин  
Исбот этаман дедим

Шаштим узанги бўлди,  
Ниятимнинг отига.  
Шамолдек эсиб кетдим,  
Шабистоннинг ортига.

Ғаюр тоғлар тиклашиб,  
Тўсишганда йўлимни,  
«Ё висол» деб ҳатладим,  
Үйламадим ўлимни!...

Очқасам ор ош бўлди.  
Сувсасам сув ёш бўлди.  
Остимда қўнғир тупроқ,  
Устимда қуёш бўлди.

Етдим сизга шу таҳлит,  
—«Кечикдингиз?»... Наҳотки?  
Тангрим, мени бу тушдан,  
Бир амаллаб уйғотгин...

## ЭСЛАШ

Куюқ кипригингиз қаърида кетган,  
Оқарган сочимнинг ҳақиқий ранги.  
Чўғда лаҳча куйган тамғадек ботган,  
Кўксимга кулгунгиз биллур жаранги.

Эй жоним қатига ёдини қадаб,  
Кўнглим қирғоғидан учган оққушим.  
Ҳар гал ашъор битсам мен сизга атаб,  
Хапқириб кетади мажруҳ қалб қушим.

Балки унугансиз, ёт гўша ҳатлаб,  
Ет гўша эркаси бўлганингиздан?  
Мен инграб келурман чўфга босиб лаб —  
Сиз-ла айро тушиб қолганимиздан...

Уйламанг ёзганим етса гар сизга,  
Аламим тўкардим сатрлар аро.  
Ахир нетай бўлак бирорта қизга  
Кўнгил қўёлмасам, мен баҳти қаро.

Айрилганимиз йўқ, ҳали ҳарқалай,  
Руҳим шу девона ўйга ўрайман.  
Ҳануз тушларимда сизга бир талай  
Гулдасталар тутиб имдод сўрайман...

## ИШҚСИЗ ҚҮНГИЛ ҚҮНГИЛ ЭМАС

Кўзларингга ёш инибди, йиғлабсан,  
Юр сени қирларга олиб кетаман.  
Бу ерларга ётлигингни илғабсан,  
Юр, сени қирларга олиб кетаман.

Ер-ёр айтсин бошимизда тўрғайлар,  
Бедор айтсин бошимизда тўрғайлар,  
Ортимиздан ағёрлар кул бўлғайлар —  
Юр, сени қирларга олиб кетаман.

Ишқсиз кўнгил кўнгил эмас, буюмдир,  
Бу ерларда ишқ-муҳаббат ўйиндир...  
Кўзлари тўрт лолаларни суюнтири,  
Юр, сени қирларга олиб кетаман!

## ИБТИДО

Жаранглади қадаҳдек кулгинг,  
Майдек мастан лабларинг ёнди.  
Ёноғингда ярқиради ёр,  
Мен бир умр излаган ёмби.

Жаранглади қадаҳдек кулгинг,  
Мунглар жилди хотирдан йироқ.  
Тушиб келди ойдин чаккангга —  
Зимистондан икки қўнгириқ.

Жаранглади қадаҳдек кулгинг,  
Гул тамшанди муаттар тотдан.  
Уша ондан мен — жажжи тўрғай,  
Гуллар исмин ўчирдим ёдан!

\* \* \*

Қизлар дилим ҳушлаб алдади,  
Омад қўлим ушлаб алдади.  
Сизни гулфурушлар алдади,  
Иккаламиз жабрдийдамиз...

Эркаласа — нурга йиғлаймиз,  
Қиё боқса — қирга йиғлаймиз.  
Кўнгил тўлса, бирга йиғлаймиз,  
Иккаламиз жабрдийдамиз...

Мен — ғам шоҳи, сизсиз маликам,  
Шодлик олмас бизга алик ҳам.  
Қадримиз йўқ, чақачалик ҳам,  
Иккаламиз жабрдийдамиз...

Тош отганга тош тегсин, омин!..  
Қелиб бизга бош эгсин, омин!..  
Биз йўлини тутдик — Аллоҳнинг,  
Иккаламиз жабрдийдамиз...

## **ТУШГАН**

**Зил дард бор, дилимнинг қатига тушган,  
У Қайсни — Лайлига хатидан тушган.**

**Қаламим Баҳромни Дилором томон,  
Учирган қушининг патидан тушган.**

**Кулмангиэ, ахир бу майиб мисралар  
Лат еган дилимнинг латидан тушган.**

**Ёзганим риндана, тушдим зиндана —  
Тушганлар муҳаббат жатидан тушган.**

\* \* \*

Жилмайиб жамолингда,  
Жозиба содир этдинг.  
Зуҳродек мен беишқни —  
Ўзингга Тоҳир этдинг.

Кўзларинг чақмоғида,  
Жоним булутдек тилиб,  
Хўб йиғлатиб қошингда —  
Камалак зоҳир этдинг.

Тун билан кун ҳеч маҳал,  
Бир пайтда кечмаганди,  
Сочинг кўксингга ташлаб —  
Иккисин ҳозир этдинг.

Тангри ҳам Усмон дилин  
Этмаган ғамдан хаолос,  
Ёр, ширин такаллум-ла  
Ғамларин охир этдинг.

## СҮНГИ ЧОРА

Дўст бўлмадик, ғаниммиз —  
Чиқишимадик, муҳаббат.  
Мен — мусофир, сен — муқим,  
Сигишимадик, муҳаббат.

Яшатмайин дунёнгни —  
Феълинг каби торлиги,  
Қетганимда, қўл келди —  
Икки дунё борлиги...

## ХОНА ҲАҚИДА БАЛЛАДА

*Усмон Азимга*

Беканг сени тутарди шинам,  
Кўринардинг қасрдек кўҳлик.  
Шамоллар пайт топишсалар ҳам,  
Деразангга қилмасди шўхлик.

Кенг дунёга сиғмаган одам,  
Сенда ўзин эркин сезарди.  
Бекангда зар йўқ эди зотан,  
Сени меҳри билан безарди.

Епилмасди эшигинг бетга,  
Ланг очилиб кулиб турарди.  
Қайгуларни қўйиб бир четга,  
Беканг енгил қушдек юрарди.

Остонангдан хатлаган ҳамон,  
Ишон, кўнглим увишди бирам.  
Жовдирайди сарғайиб ҳар ён —  
Чироқларинг бунчаям хира?!

Не синоат рўй берди ўзи?  
Борми сабаб, борми баҳона?  
Нимага нам деразанг кўзи,  
Беканг кетиб қолдими, хона?!

## ТИЛИМДА НАВОЛАР БОР

Оҳимнинг остонасин босиб бир йўқламайсиз,  
Бир энлик мактуб нима? Ёзиб бир йўқламайсиз.  
Беарқон кетдингизу осиб бир йўқламайсиз?  
Менинг ҳам жоним битта, икки деб хато қилманг,  
Сиртмоқда халинчакдек силкитиб адо қилманг.

Ҳар тола сочингизга қирқтадан совчи бормиш,  
Ичида кўнглингизни овлаган овчи бормиш.  
Алпомишкелбат эмиш, мингани Бойчибормиш,  
Алпомиш келиб-кетган, келмайди хато қилманг.  
Андиша қилинг бир оз, йўқ жойдан ато қилманг.

Тилимда наволар бор, булбуллар тилаб юрган,  
Сиз солган савдолар бор—жонимни силаб юрган.  
Санамсиз, ситам билан Усмонни сийлаб юрган,  
Бир менга муносибсиз, менсимай хато қилманг,  
Солланган сочингизни мен силай, гадо қилманг.

## ЧАШМИНГИЗ ЗИЛОЛИГА

Болари айланади дудоғингиз болига,  
Қалдирғоч қалин жамлар, қошингиз ҳилолига,  
Ўзингиз билан бандсиз, боқмай ошиқ ҳолига,  
Нигоҳим юзин намлар чашмингиз зилолига.

Ишқим сўзга ўгиришга тилмоchlар бетлай олмас.  
Сиз томон ўгрилишга қуёшлар бетлай олмас.  
Ваҳ кўнгидга киришга юввошлар бетлай олмас,  
Нигоҳим юзин намлар чашмингиз зилолига.

Елкангиз елпир қирқта шаршара шивирлари,  
Сасидан сархуш бўлиб сеҳрлар қимиirlади.  
Жонимни жимиrlатиб зулфингиз жимиrlари—  
Нигоҳим юзин намлар чашмингиз зилолига.

Қайғудан олисдаман, шодликка етганим йўқ,  
Илҳақсиз, изҳор уйин эшигин чертганим йўқ,  
Не гулсиз, ёнингиздан ҳалиям кетганим йўқ,  
Нигоҳим юзин намлар чашмингиз зилолига.

## СЕВГИЛИМ

*Д... га*

Юзингда қачонки ханда кўраман,  
Йўқотган ҳушимни сенда кўраман.  
Ўзимни бир ожиз банда кўраман,  
Севгилим, меники бўлармикансан?

Диёнат ахтариб, риёга етдим...  
Кун чиққач мен ғарид зиёга етдим.  
Жилмайдинг бир жонбахш қиёга етдим,  
Севгилим, меники бўлармикансан?

Шеър битдим. Сўз топсам, топилмас туроқ,  
Шеър қалбим истару, қалб шеърдан йироқ.  
Мен сени Худодан сўрадим, бироқ,  
Севгилим, меники бўлармикансан?

## УЧ ОЙЛИК БАҲОР

Баҳорга сиғмади шўхликларимиз,  
Уч ойлик баҳор ўтдию кетди.

Ортидан йиглади шўхликларимиз,  
Уч ойлик баҳор ўтдию кетди..,

Кечир мен ношудни кулмай омадим,  
Шеър битиб васфингни куйлай олмадим.  
Бир даста гул билан сийлай олмадим,  
Уч ойлик баҳор ўтдию кетди...

Ёз ёниб келди, ёр ёндириб кетар,  
Юракда бир нима қолдириб кетар,  
Эҳтимол фироғи бошимга етар,  
Уч ойлик баҳор ўтдию кетди.

## ИҚРОР

Кириб келдим нафратим кийиб,  
Оловларим жиловлаб аранг.  
Нафратимни ечиб лаълингга  
Илиб қўйди иссиқ истаранг.

Ой ютинди чеҳранг ранжида,  
Тун сочингни турмаклаб кетди.  
Кулдинг, қаҳрим ғилофга кирди,  
Кулдинг, меҳрим куртаклаб кетди.

Кулавердинг, қўнғироқ зулфинг,  
Жаранглари бутун танамда.  
Бас, тенгсизим, мажнунваш кўнглим,  
Бор гуноҳинг кечди, чамамда!

\* \* \*

Кечаларим оғир кечди,  
Сенсиә кечган кечаларим.  
Икки чашмим остоңанга —  
Юлдуз сочган кечаларим.

Шум фироқнинг зил дардидан,  
Товонларим толиб кетди.  
Бўғзим тилиб чиққан оҳим,  
Томоғимда қолиб кетди...

Қайтмоқ оғир, ўзимдек хор  
Кузни бирров ёдлаб ўтдим.  
Нураган ишқ обидаси —  
Хазонларни хатлаб ўтдим.

Гулим, нима қилиб қўйдинг,  
Қалбсиз қолдим кузга кириб.  
Мен кундага айланаман,  
Сен яшайвер юзга кириб...

## КУЙГАН КУЙЛАСА

Қоннинг қўшиғига томир титрагай,  
Қадаҳ жарангиға чоғир титрагай.  
Ғуссам Қайсга етса, оғир титрагай,  
Сўймаган қилт этмас сўйган куйласа.

Оловга ўзини урар парвона,  
Уртанмоқ гаштини сурар парвона.  
Куймагандан йироқ юрар парвона,  
Куймаган милт этмас куйган дардига.

Киприк бевақт кетса, қошлар йиғлайди,  
Еноқقا юмалаб ёшлар йиғлайди.  
Овозин чиқармай тошлар йиғлайди —  
Дард дилин толқондек туйган куйласа.

Ожизнинг устидан зўр бўлиб кулма,  
Номард ўчоғида қўр бўлиб кулма,  
Ошиқсан, Усмон ҳеч жўр бўлиб кулма —  
Ошиқнинг устидан кулган куйласа.

\* \* \*

Лабларинг қип-қизил капалак,  
Үйнайди, үйнайди, үйнайди.  
Журъатим тўхтаган чархпалак,  
Үйлайди, үйлайди, үйлайди...

Сочларинг ўралган зимиston,  
Бармоқлар қўнолмай бўйлайди.  
Юрагим чиқолмай ҳибсдан,  
Бўзлайди, бўзлайди, бўзлайди...

Карактман ўйнидан дунёning,  
О, сенга тикилмай бўлмайди...  
Бехато санчилар мужгонинг,  
Нимага ўлдириб қўймайди?!

## ФОТИМА БИЛАН ЗУҲРО

(Муҳаммад Юсуфга)

Бир-бирига сездирмай —  
Ич-иҷидан куяди,  
Фотима билан Зуҳро —  
Бир йигитни сужди...

Она—она-да, бирдек—  
Икковини сужди.  
«Ёвлашманг» деб ҳар куни  
Қулоғига қуяди.  
Гап олмас, бири кулса —  
Бири қовоғ уяди,  
Фотима билан Зуҳро —  
Бир йигитни сужди...

Опа шойи кийган кун,  
Қандай ўзин тияди?  
Эртасига қасдма-қасд  
Сингил атлас кияди...  
Бирга қўшиб иккини —  
Қўшнилар лоф уяди...

Нима бўлти — севмоқнинг  
Бор эканми уяти?!  
Севмоқ шараф эканин —  
Дил-дилидан туяди!  
Фотима билан Зуҳро —  
Бир йигитни сужди...

\* \* \*

Хўрсинсам, чақинлар пойимга тушди,  
Ўксинсам, кипригим булоқлар қучди.  
Кўнглим кўчасида улғайган сулув  
Лоақал ҳолимни сўрамадинг ҳам.

Жайронлар ҳуркмади, қирга бўйласам,  
Арслонлар жилмайди бошин силасам.  
Майса иэим ўпди умрин тиласам,  
Сен эса бир зумга қарамадинг ҳам.

Қарғасанг кетардим умидим узиб,  
Ҳайдаган гўшадан бир умр безиб,  
Чеҳрамдан муддаом юрдингу сезиб,  
Гарчи севмасанг-да, қарғамадинг ҳам.

Шўрманглай эканман азизим рости,  
Йигирмада бошим лайлакқор босди.  
Шу ҳолгача етдим, илиқ кафтинг-ла,  
Халос бўлармидим, курамадинг ҳам...

## ТҮРТЛИҚЛАР

Меҳримнинг меҳробидан жой бердим,  
Шоҳим не истаса рой бердим.  
Яшадим беқалбу, беҳушу, бежон,  
Ўзимда неки бор, бой бердим.

\* \* \*

Мўрт тоққа суюима, синиб кетмасин,  
Ииқилиб кўзларинг тиниб кетмасин.  
Этагингга тикан илашса отма,  
Бирор боққа тушиб, униб кетмасин.

\* \* \*

Янглишдим кўп бора, тонмайман асло,  
Ким айтди дўзахда ёнмайман асло?!  
Жаннатисан, дея келтирманг далил.  
Мен ўз билганимдан қолмайман асло.

\* \* \*

Девонани ғарбу шарқ қизиқтирмас,  
Бозору, паст-баланд нарх қизиқтирмас.  
Диққатин тортмоққа овора бўлма,  
У ўз хаёлига ғарқ, қизиқтирмас.

\* \* \*

Жоҳил юввош тортса — оқилга етгай,  
Оқил гар тош отса — жоҳилга етгай.  
Вазмин бўл, бекарор қайнұдан кўра  
Кема илгарироқ соҳилга етгай.

## ПАРКЕНТ ТАЪРИФИ

Паркент кўҳна истеҳком,  
Чотқол метин кўксидир.  
Ой қуббаси, сержило,  
Қуёш яқин дўстидир.

Бу элатнинг қизлари,  
Юлдузларга юз чайган.  
Йигитлари кўксида  
Тиф турса ҳам жилмайган.

Заминига чўп тушса,  
Ниҳол бўлиб солланар.  
Турнакўз булоғидан  
Бемор ичса жонланар.

Бу элатнинг деҳқони  
Бозорда тортишмайди.  
Бежизга шаҳарликлар  
Танти деб айтишмайди.

Етти қишлоқ Еттикент,  
Етти азим чиҷори.  
Ардоғида улғайган,  
Усмоннинг ифтихори!

\* \* \*

Тумор қилай бўйнимга,  
Босган изинг бер, Паркент.  
Баҳорингни бермасанг  
Берма, кузинг бер, Паркент.

Таъм билмас бир гадонгман,  
Тугаёзган адонгман...  
Шакарингни бермасанг  
Берма, тузинг бер, Паркент.

Ранжимайман хасис деб,  
Лаб босгайман азиҳ деб!  
Оловингни бермасанг  
Берма, музинг бер, Паркент.

Уч йил ёндин гулхансиз...  
Ёндириди ҳув гулхан қиз.  
Ёқса ёқсин бир умр,  
Ўша қизинг бер, Паркент!..

## ХУМСОН ҚИЗИ

Кулгичида қуёш балқиган,  
Ишвасига ҳилол қалқиган.  
Дуррасига ибо танғиган,  
Хумсон қизи, бир қиё боқинг.

Кокилингиз кечага бүек,  
Хандангиз булбулга иштиек,  
Эй ёноғи юлдузга маек —  
Хумсон қизи, бир қиё боқинг.

Янглишмадим, ҳа, сиз фаришта,  
Бир кафт оловсиз шу туришда.  
Нигоҳ билан улайлик ришта —  
Хумсон қизи, бир қиё боқинг.

Кўнглимда ишқ кўрсашиб шона,  
Бўлаёздим зумда девона.  
Ўтинчим соф УСМОН БЕҚона,  
Хумсон қизи, бир қиё боқинг!...

## ДИЛФУЗАНИНГ КЎЗЛАРИДА

Гуллар узоқ кулмайди,  
Булбул юзин юлмайди,  
Ишқ бордек туюлмайди —  
Дилфузанинг кўзларида ...

Қора билан оқ аҳил,  
Қоя билан тоғ аҳил,  
Хиёнат йўқ-да, ахир! —  
Дилфузанинг кўзларида.

Соғлар бемор кўринар.  
Оҳлар бедор кўринар ...  
Осмон — бекор кўринар! —  
Дилфузанинг кўзларида.

Ёшдай оқди не ошиқлар,  
Ҳануз тоқдир, не ошиқлар ...  
Шафқат йўқдир, эй, ошиқлар —  
Дилфузанинг кўзларида! ...

Ай, бу кўзлар бунча чарос,  
Ой чиқмаган тунча чарос!  
Бир «йилт» этдинг, Усмон, холос ...  
Дилфузанинг кўзларида.

## МУНДАРИЖА

<b>Рост сўзнинг нури</b>	<b>3</b>
<b>Турон</b>	<b>5</b>
<b>Она-Ватаним</b>	<b>6</b>
<b>Юрт сеҳри</b>	<b>7</b>
<b>Қаноат</b>	<b>8</b>
<b>АЗИЗ қалом</b>	<b>9</b>
<b>Илтимос</b>	<b>10</b>
<b>Мерос</b>	<b>11</b>
<b>Баҳор</b>	<b>12</b>
<b>Қўзиқорин</b>	<b>13</b>
<b>Лола</b>	<b>14</b>
<b>Кўнглимнинг эркаси</b>	<b>15</b>
<b>Ифтихор</b>	<b>16</b>
<b>Раббано</b>	<b>17</b>
<b>Ватан</b>	<b>18</b>
<b>Куз</b>	<b>19</b>
<b>Сени кечиришса</b>	<b>20</b>
<b>Бойчечак</b>	<b>21</b>
<b>Хотира</b>	<b>22</b>
<b>Суюнчи</b>	<b>23</b>
<b>Шукроня</b>	<b>24</b>
<b>Илтико</b>	<b>25</b>
<b>Дилсўз</b>	<b>26</b>
<b>Алвидо</b>	<b>27</b>
<b>Шеър</b>	<b>28</b>
<b>Қора булатга</b>	<b>29</b>
<b>Мидлатим</b>	<b>30</b>
<b>Бўсағадаги нур</b>	<b>31</b>
<b>Саратон</b>	<b>32</b>
<b>Бирордан кулма</b>	<b>33</b>
<b>Қутлур келгай</b>	<b>34</b>
<b>Қелиб қолди-ёв</b>	<b>35</b>
<b>Видо</b>	<b>36</b>
<b>Ўзмоқлик оғир</b>	<b>37</b>
<b>Ҳою роҳи йўққа қийин</b>	<b>38</b>
<b>Хиёнат</b>	<b>39</b>
<b>Рақиб</b>	<b>40</b>

Шеърият	41
Келди	42
Иўқлов	43
Кула бил	44
Танидим	45
«Сарвқомат дилбарим» қиссасин ўқиб	46
Изҳор	47
Кумушбиби марсияси	48
Муҳаббат	49
Сени деб	50
Утинг	51
Кўнгил	52
Армон	53
Чоғир	54
Иқрор	55
Бу фасл	56
Ёр ўтади	57
Бир кўхна түйғу бор	58
Тазарру	59
Туш	60
Эслаш	61
Ишқисиз кўнгил кўнгил эмас	62
Ибтидо	63
Жабрдийдамиз	64
Тушган	65
... этдинг	66
Сўнгги чора	67
Хона ҳақида баллада	68
Тилимда наволар бор	69
Чашмингиз зилолинга	70
Севгилим	71
Уч ойлик Баҳор	72
Иқрор	73
Кечаларим	74
Куйган куйласа	75
Лабларинг	76
Фотима билан Зуҳро	77
Сўрамадинг ҳам	78
Тўртликлар	79
Паркент таърифи	80
Паркент	81
Хумсон қизи	82
Дилфузанинг кўзларида	83

УСМОН БЕК  
БУСАҒАДАГИ НУР  
(Шеърлар)

Тошкент «Үқитувчи» 1998

Таҳририят мудири *A. Зиёдов*  
Муҳаррир *Г. Насриддинова*  
Бадий мұхаррир *Ш. Мирфаёзов*  
Техн. мұхаррир *С. Турсунова*  
Мусаҳид *Л. Мирзааҳмедова*

ИБ № 7545

Теришга берилди 30.09.98. Босишга рухсат этилди, 9.11.98. Бичими 70x90/32. Тип қофози. Кегли 10 шпонсиз. Литературная гарнитураси. Юқори босма усулида босилди. Шартли б. л. 3,22. Шартли кр.-отт. 3,51. Нашр. л. 2,06. 2000 нусхада. Буюртма № 61.

«Үқитувчи» нашриёти. Тошкент, 129. Навонй күчаси, 30. Шартнома 13-02-98.

Ўзбекистон Давлат матбуот қўмитасининг Янгийўл ижара китоб фабрикаси, Янгийўл ш. Самарқанд кўчаси, 44. 1998.

## **1998 йилда «Ўқитувчи» нашриётида чоп этилган адабиётлар рўйхати**

1. М. Тоирев. Бармоқлар бодаси. Шеърлар.
2. Бобур Бобомурод. Элим бўлди давлатли. Шеърлар.
3. Ш. Дадашев. Жонимда яшайди Ватан.
4. Ямин Қурбон. Тушдаги ҳақиқат. Масаллар.

**Б 49**

**Усмон Бек.**

Бўсағадаги нур: Шеърлар. — Т.:  
«Ўқитувчи», 1998. — 88 б.

**Уз 2**